Хондамир (1473-76-1534)

Муаллиф:
24.01.2014 22:09 -

Хиротлик тарихчи Хондамир (тўла исми Гиёсиддин Мухаммад ибн Хожа Хумомуддин ибн Хожа Жалолуддин Мухаммад ибн Бурхонуддин) ўз асарлари билан XVI аср бошларида фан тараккиётига кириб келган алломалардандир. Унинг хаёти, ижоди хакида ўз асарлари, замондошлари ёзиб колдирган оз-моз маълумотлардан ташкари, деярли бошка маълумот йўк.

Она томонидан у «Равзат ус-сафо» («Мусаффолик боги») муаллифи, машхур тарихчи Мирхонднинг набираси бўлган. Отаси Хожа Хумомуддин Мухаммад ибн Хожа Жалолуддин Мухаммад ибн Хожа Бурхонуддин Мухаммад Шерозий ўз замонининг зиёлиларидан эди ва Султон Махмуд Мирзо Темурийнинг (Хисори Шодмон ва Бадахшонда хукмронлик килган) вазири бўлган.

Хондамир 1473—1476 йиллар орасида Хирот шахрида тугилган ва ўша ерда таълим олган бўлса керак, деб тахмин килинади. У тарих, адабиёт ва иншони пухта эгаллаб, ўз замонасининг йирик олими сифатида ном козонган тарихчидир.
Хондамирнинг олим сифатида шаклланишида маърифатпарвар шоир Мир Алишер Навоийнинг хиссаси катта бўлиб, у бўлажак олимга, ўзининг жуда бой кутубхонасидан фойдаланишга рухсат берган ва шу билан бирга илмий ишларига рахбарлик килган. Тарихчининг ўзи хакида келтирган маълумотлардан шу нарса маълумки, у ёшлик чогидаёк Навоий кўлига келган, дастлаб унинг кутубхонасида кутубхоначи, кейинрок эса мудир бўлиб ишлаган.
Алишер Навоий вафотидан сўнг, Хондамир Хуросондаги сиёсий вокеалар гирдобига тушиб, дастлаб Балхга Султон Хусайн Бойкаронинг тўнгич ўгли Бадиуззамон Мирзо саройида хизмат килади. Айни шу пайтда Бадиуззамон Кундуз хокими Хисравшохни Шайбонийхон (1500-1510) лашкари томонидан кутилаётган хужумдан Хуросонни химоя килишда иштирок этишга огдириш орзусида юборилган элчилар каторига Хондамир хам кўшилиб, шахсан ўзи Бадиуззамоннинг махсус топширигини бажарди. Шу даврда унга «садр» унвони берилган. Хондамир бироз фурсатдан сўнг яна Бадиуззамон топширигига биноан Шайбонийхонга карши тузилган иттифокка Кандахор хокимини бирлаштириш максадида у ерга жўнатилди. Аммо Бадиуззамон кизининг вафоти туфайли Хондамир сафарни тўхтатиб, Хиротга кайтишга мажбур бўлган ва 1506 йили Шайбонийхон Хиротнинг забт этишини шохиди бўлган хамда Хуросон маркази Хиротни топширишдаги шартларни ишлаб чикишда иштирок этган.
Сулолалар хукмронлиги ўзгаргандан сўнг, Хондамир Темурийлар сулоласининг тарафдори бўлганлиги боис, Хиротдан кетишга карор килади ва 1507 йилдан то 1510 йилгача Шимолий Афгонистондаги Башт кишлогида ижод билан шугулланади. Хирот тахтига Сафавийлар сулоласи, унинг асосчиси Шох Исмоил (1407—1424) келиши биланок, 1510 йили Хондамир Хиротга кайтиб келади. Шох Исмоил вафотидан сўнг (1527) Хиротдан буткул юз ўгириб, Кандахорга, 1528 йили у ердан Бобурийлар пойтахти Аграга (Хиндистон) Захириддин Мухаммад Бобур хузурига ўтади.
Хондамир Аграга келгач, Бобурнинг якин одамлари каторидан жой олади ва 1529 йили Бобурни Бенгалия ва Ганг дарёси сохили томон килган юриши пайтида кузатиб боради. Бобур вафотидан сўнг, унинг вориси Хумоюннинг (1530-1556) хизматида бўлиб, 1534 йили у билан бирга Гвалиорда бўлади ва Гужоратга килган юришида катнашади. Айни

вактда, у «Хумоюннома» асарини ёзади ва бу хизмати учун «Амир ал-муаррихин» («Тарихчилар амири») унвонига сазовор бўлади. Хондамир 1534 йили Хумоюн билан Мандуга кайтиб келаётганда вафот этади. Унинг васиятига кўра жасади Дехлидаги кабристонга — Низомиддин Авлиё, шоир Хусрав Дехдавийлар ёнига дафн этилади. Хондамирнинг икки фарзанди — бирининг исми Амир Махмуд, иккинчиси Саййид Абдулхон бўлган. Амир Махмуд Шох Исмоил ва Шох Тахмасп (1524—1576) хукмронлик килган давр тарихини ёритган асар муаллифи бўлиб, асар Мухаммадхон Шарафиддин Такалийга багишланган. Ушбу асар «Равзат ус-Сафавия» («Сафавийлар боги») да келтирилган маълумотга кўра, ўша давр олимлари орасида катта эътибор козонган. Хондамир бутун умри давомида, тахминан ўн учта асар ёзган бўлса, бизгача шу асарларнинг саккизтаси етиб келган.
Муаррихнинг «Маъосир ул-мулук» («Хамаср подшохларнинг тарихи») асари Алишер Навоий илтимосига кўра ва унга миннатдорчилик изхори тарикасида 1498-1499 йилларда ёзилган. Бу асар подшох хамда кадимги донишмандларнинг хайрли ишлари хакида айтилган хикматнамо гапларни ўз ичига олади. Жумладан, Каюмарсдан Ануширвонгача, Одам Атодан Бузургмехргача бўлган хамда Мухаммад пайгамбар ва имомлар хакида битилган накллардан иборат. Сўнгра муаллиф Уммавийлар, Аббосийлар, Сомонийлар, Газнавийлар ва бошка сулолаларга тегишли хукмдорлар тарихи билан бирга Курд подшохлари ва турк хоконлари тарихини ёритган. Асарнинг охирги кисмида Хусайн Бойкаро ва Алишер Навоийга замондош бўлган хукмдорлар, олимлар ва донишмандлар хакида маълумотлар хам берилган.

«Хулосат ул-ахбор фи баён ул-ахвол ул-ахёр» («Хайрли кишилар ахволини баён этиш борасида хабарлар хулосаси») 1498-1499 йиллар орасида ёзилган бўлиб, бу асар хам Алишер Навоийга багишланган. Унда Хусайн Бойкаро ва Алишер Навоий замонида Хирот ва унинг атрофида олиб борилган улкан курилишлар, казилган сув иншоотлари, шунингдек, ўша замонда ўтган шоирлар, олимлар, математиклар, астрономлар, мусикашунослар, шифокорлар, санъаткорлар хакида кимматли маълумотлар бор.

«Макорим ул-ахлок» («Олижаноб хулкпар») асари хам Алишер Навоийга миннатдорчилик рамзи сифатида ёзилган (лекин Навоий вафот этиб, Хондамир унга китобни такдим этишга улгурмаган).

«Макорим ул-ахлок»да Хондамир Навоийнинг юксак инсоний фазилати, олижаноб ахлоки, асарлари, унинг ташаббуси билан курилган бинолар, унга замондош шоир, олим ва фозил кишилар, шунингдек, Хуросоннинг ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий ахволи, Навоий билан Хусайн Бойкаро орасидаги муносабатлар хусусида хикоя килади.

Хондамирнинг «Дастур ул-вузаро» («Вазирлар учун кўлланма») асари Алишер Навоий илтимосига мувофик 1500 йили ёзилиб, Хусайн Бойкаро ва унинг вазири Амир Камолиддин Махмудга багишланган. Орадан тўккиз йил ўтгач, 1509 йили асар кайта ишланган ва кенгайтирилган. Ундан Шарк мамлакатларининг УН-ХУ1 асрлардаги тарихи, жумладан, Мовароуннахр ва Хуросонда Темурийлар сулоласи инкирозига кадар ўтган вазирлар, Чингизхоннинг вазири, кейинрок мўгулларнинг Хитойдаги ноиби, хоразмлик Махмуд Ялавоч хамда унинг ўгли Чигатойхоннинг Мовароуннахрдаги вазири Масъудбек тўгрисида маълумотлар жой олган.

Алломанинг «Номаи номи» («Атокли номалар»)сида 1522 йидда кечган вокеалар баён килинган (Асарнинг «Иншои Гиёсиддин» ёки «Иншои Гиёсий» деган номи хам бор). Китоб иншо илмига оид (стилистика, турли мактуб ва фармонларни ёзиш коидалари) бўлиб, Шарк мамлакатларида ўтган турли табакадаги тарихий шахсларга (шохдар, амирлар, садрлар, козилар, шайхлар, шоирлар) дойр маълумотлар, подшох ва хонларнинг ёрлик хамда фармонларидан намуналар, уларни битиш тартиблари хам баён этилган. Асарнинг киммати шундаки, асар баъзи бир мухим мансабларнинг (парвоначи, мунший, муставфий, ихтисоб (мухтасиб), калантар, мубашшир, хофиз) келиб чикиши, бундай мансаб эгаларининг хак-хукуклари, вазифалари хусусида сўз юритади.

Мирхонднинг «Равзат ус-сафо фи сират ул-анбиё ва-л-мулук ва-л-хулафо» («Халифалар, подшохлар, авлиёлар хаётига оид мусаффолик боги») асарига Хондамир томонидан 1522 йидда ёзиб тугатилган илова (7-жилд) ва «Жугрофий кўшимча» кисмлар мавжуд. Еттинчи жилд мазмунан Хондамирнинг «Хабиб ус-сияр» асарининг учинчи жилд учинчи кисм иккинчи ярми мазмуни билан мосдир. Асарнинг «Жугрофий кўшимча»си, тахминан 1495 йили Мирхонд томонидан ёзила бошлаган ва 1523 йилда Хондамир унинг давомини ёзиб тугатган. Асар мазмуни хам «Хабиб ус-сияр»га кирган матндан ташкил топган ва бу ўринда вокеаларни «Хабиб ус-сияр» оркали ўрганган маъкулрок деб ўйлаймиз.

Хондамирнинг энг йирик асари «Хабиб ус-сияр» 1520—1524 йиллар мобайнида ёзилган ва вазир Каримуддин Хожа Хабибуллох Соважийга багишланиб, асар номи хам кисман шу вазир исми билан богланган. Асарда кадим замонлардан, то 1524 йилга кадар Шарк мамлакатларида, хусусан, Эрон, Афгонистон, Ирок ва Марказий Осиёда содир бўлган вокеалар каламга олинган. Унинг XV асрнинг сўнгги ва XVI асрнинг биринчи чорагида Мовароуннахр хамда Хуросоннинг умумий ахволини акс эттирган учинчи жилд учинчи ва тўртинчи кисмларидаги маълумотлар янгилиги билан катта илмий кимматга эгадир.

Хондамирнинг «Хумоюннома» асари «Конуни Хумоюн» номи билан хам машхур бўлиб, Хиндистон подшохи Бобурий Хумоюн Мирзога багишланган ва 1535 йили ёзиб тамомланган. Асардаги Хумоюн Бобурийлар давлатида хукмронлик килган даврида жорий этилган янгиликлар, ахволини уч табакага, хокимиятни эса тўрт идора усулига бўлиниши ва Хумоюннинг меъморчилик фаолияти хакидаги маълумотлар диккатга сазовордир.
Хондамирнинг колган бешта асарининг факатгина номлари маълум, холос. Булар: «Осор ул-мулук ва-л-анбия» («Подшох ва пайгамбарлар хакида хикоялар»), «Ахбор ул-ахёр» («Яхши инсонлар хакида хабарлар»), «Мунтахаб-и тарих-и Вассоф» («Вассоф тарихидан сай-ланма»), «Жавохир ул-ахбор» («Хабарлар гавхарлари») ва «Гаройиб ул-асрор («Кизикарли сирлар») деб номланган асарларидир.

Навоий асарларидан шу нарса маълумки, Хондамир «Накий» тахаллуси билан шеърлар хам битган, бирок унинг шеърлар тўплами бизгача етиб келмаган, лекин айрим парчалар «Хумоюннома», «Макорим ул-ахлок» ва бошка асарларида кисман учраб туради.

Юкорида келтирилган маълумотларга кўра, Хондамир Марказий Осиё, Афгонистон, Хиндистон тарихига оид асарлар яратган ва шу билан бирга жахон маданияти

хазинасига муносиб хисса кўша олган.

Юсупова Д.